

**Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 208528 на приобретение 3-son DMTT binosini joriy tamirlash**

Способ проведения электронный

Дата 16.12.2022

Время рассмотрения 07.12.2022 15:11

Конкурсная комиссия Мирзачул туман мактабгача таълим булими распр, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	KUKANOVA SHOIRA KENJABOYEVNA	Raxbar	Mirzachul MTB
<b>Секретарь комиссии</b>	YUNUSOV UMARJON BAXRAMOVICH	Xisob kitob xisobchisi	Mirzachul MTB
<b>Член комиссии</b>	ERGASHEV SHOXRUX MAMIRZAYEVICH	Xujalik mudiri	Mirzachul MTB
<b>Член комиссии</b>	IMAMOVA ZUHRA URALOVNA	Qurilish bolimi boshligi	4
<b>Член комиссии</b>	SAYDULLAYEV BEKZOD ALISHER O'G'LI	Qurilish bolim boshligi orinbosari	5
<b>Член комиссии</b>	BERDIKULOV SOXIB XASANOVICH	Bosh xisobchi	6

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 16.12.2022 года № лота 208528.

Метод оценки предложений – Метод наименьшей цены

Мин. балл: 50

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту нежилых зданий</b>
Подробное описание	Услуга по текущему ремонту нежилых зданий
Количество товара	1.00
Единица измерения	усл. ед
Цена товара (услуги) за единицу	128 759 854.00
Стартовая сумма	128 759 854.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Нуксон далолатномасида курсатилган ишларни сифатли бажарилиши хамда маблагининг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
ООО "FORISH STAR STROY"	20	Маълумотнома	5	Экспертная		
ЧП SAXOVAT AGRO IQTISOD	20	Нуксон далолатномасида курсатилган ишларни сифатли бажарилиши	20	Экспертная		
GOLD LYUKS PROM XK	20	Илова килинади	10	Экспертная		
REAL JIZZAX MCHJ	20	Маълумот такдим етилади	20	Экспертная		

Критерий №2 Корхонанинг тулик юридик манзил банк ва солик реквизити телефон раками гувоҳнома ва солик ИНН кредиторлик қарздорлиги тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО "FORISH STAR STROY"</b>	20	Маълумотнома	11	Экспертная		
<b>ЧП SAXOVAT AGRO IQTISOD</b>	20	Корхонанинг тулик юридик манзил банк ва солик реквизити телефон раками гувоҳнома ва солик ИНН кредиторлик қарздорлиги тугрисида маълумоти	16	Экспертная		
<b>GOLD LYUKS PROM XK</b>	20	Илова килинади	10	Экспертная		
<b>REAL JZZAX MCHJ</b>	20	Маълумот тукдим етилади	15	Экспертная		

Критерий №3 Таъмирлаш ишларини бажариш учун зарурий техника ва малакали ишчи ходимларнинг мавжудлиги ва уларнинг сони тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО "FORISH STAR STROY"</b>	20	Маълумотнома	10	Экспертная		
<b>ЧП SAXOVAT AGRO IQTISOD</b>	20	Таъмирлаш ишларини бажариш учун зарурий техника ва малакали ишчи ходимларнинг мавжудлиги ва уларнинг сони тугрисида	15	Экспертная		
<b>GOLD LYUKS PROM XK</b>	20	Илова килинади	10	Экспертная		
<b>REAL JZZAX MCHJ</b>	20	Маълумот тукдим етилади	20	Экспертная		

Критерий №4 Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги ва ўзига нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомиллари ва картатека мавжуд эмаслиги хақида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО "FORISH STAR STROY"</b>	10	Маълумотнома	5	Экспертная		
<b>ЧП SAXOVAT AGRO IQTISOD</b>	10	Солиқлар ва йиғимларни тўлаш бўйича муддати ўтган қарздорлиги ва ўзига	10	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		нисбатан жорий этилган банкротлик тартиб-таомиллари ва картатека мавжуд эмаслиги хакида				
<b>GOLD LYUKS PROM XK</b>	10	Илова килинади	5	Экспертная		
<b>REAL JIZZAX MCHJ</b>	10	Маълумот тақдим етилади	10	Экспертная		

Критерий №5 Ташкилотнинг давлат идоралари руйхатидан ўтказилганлиги хакидаги гувоҳнома ва Қурилиш пудрат ташкилотлари электрон рейтингидаги ўрни

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО "FORISH STAR STROY"</b>	10	Маълумотнома	10	Экспертная		
<b>ЧП SAXOVAT AGRO IQTISOD</b>	10	Ташкилотнинг давлат идоралари руйхатидан ўтказилганлиги хакидаги гувоҳнома ва Қурилиш пудрат ташкилотлари электрон рейтингида Ариза топширилгани тугрисида	10	Экспертная		
<b>GOLD LYUKS PROM XK</b>	10	Илова килинади	5	Экспертная		
<b>REAL JIZZAX MCHJ</b>	10	Маълумот тақдим етилади	10	Экспертная		

Критерий №6 Бажариладиган ишлар муддати сифатига кафолат фаолият тугрисидаги 1-2 шакллар маълумоти хисоб ракамдаги маблагнинг мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
<b>ООО "FORISH STAR STROY"</b>	20	Маълумотнома	10	Экспертная		
<b>ЧП SAXOVAT AGRO IQTISOD</b>	20	Бажариладиган ишлар муддати сифатига кафолат фаолият тугрисидаги 1-2 шакллар маълумоти хисоб ракамдаги маблагнинг мавжуд	20	Экспертная		
<b>GOLD LYUKS PROM XK</b>	20	Илова килинади	10	Экспертная		
<b>REAL JIZZAX MCHJ</b>	20	Маълумот тақдим етилади	15	Экспертная		

Финансовое значение

Наименование товара: Услуга по текущему ремонту нежилых зданий

Ценовые предложения				Порядок оценки ценовых предложений	
Наименование участника	Стартовая сумма (UZS)	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Итоговое значение (UZS)
<b>GOLD LYUKS PROM XK</b>	128 759 854.00	111 059 854.00 UZS	111 059 854.00	00.00	111 059 854.00
<b>ЧП SAXOVAT AGRO IQTISOD</b>	128 759 854.00	109 999 998.00 UZS	109 999 998.00	00.00	109 999 998.00
<b>ООО "FORISH STAR STROY"</b>	128 759 854.00	118 000 000.00 UZS	118 000 000.00	00.00	118 000 000.00
<b>REAL JIZZAX MCHJ</b>	128 759 854.00	99 900 000.00 UZS	99 900 000.00	00.00	99 900 000.00

Оценка участников финансовой части составила:

Стартовая сумма составляет 128 759 854.00 UZS

Наименование участника	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Коэффициент, используемый для расчета предложений нерезидентов	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
<b>GOLD LYUKS PROM XK</b>	111 059 854.00 UZS	111 059 854.00	00.00	00.00	111 059 854.00	16.12.2022 15:28:22	89.9515
<b>ЧП SAXOVAT AGRO IQTISOD</b>	109 999 998.00 UZS	109 999 998.00	00.00	00.00	109 999 998.00	16.12.2022 13:13:28	90.81818
<b>ООО "FORISH STAR STROY"</b>	118 000 000.00 UZS	118 000 000.00	00.00	00.00	118 000 000.00	13.12.2022 17:51:20	84.66102
<b>REAL JIZZAX MCHJ</b>	99 900 000.00 UZS	99 900 000.00	00.00	00.00	99 900 000.00	16.12.2022 19:06:26	100

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
<b>GOLD LYUKS PROM XK</b>	Прошел	89.9515	89.9515
<b>ЧП SAXOVAT AGRO IQTISOD</b>	Прошел	90.81818	90.81818
<b>ООО "FORISH STAR STROY"</b>	Прошел	84.66102	84.66102
<b>REAL JIZZAX MCHJ</b>	Прошел	100	100

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 208528 от 16.12.2022 года на приобретение 3-son DMTT binosini joriy tamirlash определила победителем:

REAL JIZZAX MCHJ  
303265332

и резервный исполнитель: ЧП SAXOVAT AGRO IQTISOD ( 306697054 )

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	KUKANOVA SHOIRA KENJABOYEVNA	Согласен	

<b>Член комиссии</b>	ERGASHEV SHOXRUX MAMIRZAYEVICH	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	IMAMOVA ZUHRA URALOVNA	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	SAYDULLAYEV BEKZOD ALISHER O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	BERDIKULOV SOXIB XASANOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



**ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ\***  
к договору (контракту) от 20.12.2022 г. № 1/2022

между REAL JIZZAX MCHJ и Мирзачул туман МТБ на общую сумму 99900000,00

Глава 251  
Казначейский лицевой счёт 401722860082237091100251002

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4232200			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь	99 900 000,00			99 900 000,00
<b>Всего за год</b>	<b>99 900 000,00</b>			<b>99 900 000,00</b>

Всего 99900000,00 сум

Девяносто девять миллионов девятьсот тысяч сум 00 тийин

сумма прописью

Из вышеуказанной суммы 29970000,00 сум или 30,00%\*\*\* от общей суммы договора подлежат предоплате в Декабрь мес. 2022 г.

(\*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2-х экземплярах;

(\*\*) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода.

(\*\*\*) — Месячный \_\_\_\_\_% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до \_\_\_\_\_ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)



Руководитель заказчика

М.П.

(подпись)

Ш.Куконова

Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

С.Бердикулов

Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения

(подпись)

Получил работник заказчика

(подпись)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ г.

**ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ №1/2022**

2022 йил «20» Декабрь

Мирзачул тумани

Мирзачул тумани МТБ келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб ҳамда Низомга асосан иш юритувчи номидан директор Ш.Куконова бир томондан ва “Реал Жиззах” МЧЖ кейинги уринларда «Пудратчи» деб аталиб ҳамда Низомга асосан иш юритувчи номидан рахбар О.Хамрокулов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини куйидагиларга асосан туздилар.

**Таърифлар**

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар қулланилади:  
ижро хужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;  
Қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси.  
Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади.  
Вақтинчалик ишлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган хар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.  
Беркитиладиган ишлар - сифати ва яқунланганлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;  
Шартнома нархини бўлиб чиқиш: ишларнинг хар бир босқични ёки турлари: қийматининг аниқ белгилаган холда шартнома бўйича объектни умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

**II. Шартнома мавзуси.**

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан **Мирзачул тумани МТБга карашли 3-сон ДМТТи ошхонасини жорий таъмирлаш** объекти бўйича лойиха хужжатларида кузда тутилган объектни тайёр холда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3. Буюртмачи Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

**III. Шартнома бўйича ишлар қиймати.**

4. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажариладиган, **69-сон баёни** билан тасдиқланган ишлар қиймати солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган холда, жорий нархларда ККС билан жами 99900000 (Туксон туккиз миллион туккиз юз минг сўм) (ККС 13030434) сумни ташкил этади. *(Пудратчи ягона солиқ туловчиси)*

5. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас. Қуйидаги холлар бундан мустасно:

- қурилиш муддатини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) холатлари сабаб бўлганда;
- ишлар хажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиқга ўзгартирилганда.

6. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Тегишли асослар мавжуд бўлганда санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. Пудратчининг мажбуриятлари.**

8. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 2-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда, иншоот нархидаги ишларни энг камида 50 фоизини ўзининг кучлари билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- 1 иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур бўлган, мувофиқлик сертификатларига эга ҳамда қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, жихозлар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва сақлаш;
- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- бош пудратчи ёрдамчи пудратчилар билан шартнома тузишда Буюртмачи билан келишган ҳолда шартнома тузиши лозим, акс ҳолда имзоланган шартнома умумий қийматининг 4 фоизи миқдорида Буюртмачига жарима тўлайди;
- қурилиш жараёнида жалб қилинган ишчи ходимларни белгиланган тартибда расмийлаштириб, ижтимоий ҳимояси ва техник хавфсизлигини таъминлаш.
- ишчиларни техник хавфсизлигига риоя қилган ҳолда, махсус қурилиш кийим-кечаги, ётоқ ўрни, маданий дам олишлари учун шароит яратиб бериш ва иссиқ овқат билан таъминлаш;
- қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;
- мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;
- қурилиш майдонини қуриқлашни таъминлаш;
- объектда олиб борилаётган қурилиш-таъмирлаш ишларини назорат қилиш ва тезкор маълумотларни олиш мақсадида видеокузатув мосламалари ва сифатли алоқа воситалари билан таъминлаш;
- карантин (пандемия ва эпидемия) даврида қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишда объектда ишлаётган барча ишчи ходимларни муҳофаза қилиш мақсадида, карантин қоидалари ва санитария-гигиена талабларига қатъий риоя қилинишини таъминлаш ва доимий назорат ўрнатиш, акс ҳолда буюртмачи томонидан жарима қўлланиб, пудрат шартномаси бекор қилинади.
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

9. Пудратчи ҳар ҳисобот ойининг 25 санасигача Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида ҳисоб-фактура ва ҳисоботларни тақдим этиши зарур, акс ҳолда буюртмачи пудратчи томонидан кеч тақдим этилган ҳисоб-фактура қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима ҳисоблаш ҳуқуқига эга.

10. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларни ўз кучи билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан (қурилиш ишларининг 50 фоизидан кўп бўлмаган) зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкый жавоб беради.

- Пудратчи лойиха-смета ҳужжатлари ва иш ҳажмларига Буюртмачи ҳамда лойихачи ташкилотнинг рухсатисиз ўзгартириш киритмайди. Агарда ўз хохиши билан ўзгартирган тақдирда Буюртмачи мажбуриятни ўз зиммасига олмайди.



## V. Буюртмачининг мажбуриятлари

11. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартноманинг иловасига мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий қурилишда техник назорат ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш. Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- Пудратчининг барча мурожаатларини 5 кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
- Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 3-иловага мувофиқ аванс (бўнак) бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб бир ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўyxатини тақдим этиш;
- Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ хажмда бажариш мажбуриятини олади;

12. Агар пудратчи томонидан ҳар ҳисобот ойнанинг 25 санасигача бажарилган ишлар тўғрисида ҳисоб-фактура ва ҳисоботларни топширилмаса, Буюртмачи бажарилган қурилиш-монтаж ишларини молиялаштирмайди. Ушбу шартноманинг 3-илоvasи бажарилмайди.

## VI. Ишларни бажариш муддатлари

13. Шартнома:

Миллий валюта “сўмда” ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

14. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб ўз айланма маблағлари ҳисобидан ишларни бажаришга киришади.

15. Танлов (тендер) комиссиясининг қарорига асосан **2023 йил 30 январ куни** объектда иш ҳажмларини сифатли бажариб, фойдаланишга топширилиши белгилансин.

16. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

## VII. Тўловлар ва ҳисоб-китоблар

17. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 фоизи миқдорида аванс маблағини ўтказди.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (3-илова).

19. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар хажми ва сифати текширилгандан кейин, ҳар ойда ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолишни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ҳамда молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 95 фоизигача тўлов амалга оширилади.

- Мазкур шартномада белгиланган объектнинг 5 фоизлик маблағи кафолат муддати тамом бўлгандан кейин, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг тўлов амалга оширилади.

- Буюртмачи ушбу объект учун молиялаштирувчи органлар томонидан ажратилган маблағни ҳисобга олган ҳолда, мазкур шартноманинг 17,18 ва 19 бандлари ижроси ҳамда шартноманинг 3-илоvasидаги молиялаштириш мажбуриятларини амалга оширади.

20. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини узида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектни тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

21. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун (молиялаштириш йилида) мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тулашдан озод қилинмайди.

- Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда “Буюртмачи” тўлов учун мажбурият ва жавобгарликни ўз зиммасига олмайди.

### VIII. Ишларни бажариш

22. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар хажми ва сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек, Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

23. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

24. Пудратчи техник-аудиторни қурилиш майдонига боришда кўмаклашади ва ташриф давомида ишлаш учун жой ҳамда тегишли воситалар билан таъминлайди. Техник-аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо булувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

25. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

26. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини “Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси” билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

27. Қурилиш майдонида (объектда) умумий тартиб ва интизомни ҳамда техника хавфсизлигига риоя этилишини таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

28. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

29. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб 3 (уч) кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни боғлаш (привязка) қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

30. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш уқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан амалга оширади.

31. Пудратчи геодезия ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларни сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

32. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

33. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қулланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларга, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

34. Алоҳида беркитилган конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва “Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси”ни ёзма равишда хабардор қилади.

35. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишлар тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралиқ қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг

“Курилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси” билан келишилган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

36. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

37. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилмаган бўлса ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

38. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучи билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 37 бандининг иккинчи хатбошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

39. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ куча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

40. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, қурилишни тугаллашни узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) ақс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарыда ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

#### **IX. Ишларни кўриқлаш.**

41. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиши тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тусилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

42. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек, материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

#### **X. Енгиб бўлмайдиган куч (Форс-мажор) ҳолатлари.**

43. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда ўзайтирилади.

44. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чузилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қурилишини муҳокама қиладилар.

45. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

#### **XI. Қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш.**

46. Қурилиши тугулланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

47. Объектларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчи Буюртмачига ёзма билдиришнома ва иншоатларни фойдаланишга қабул қилиш ишчи гуруҳ далолатномасини беради.

Буюртмачи қурилиши тугалланган объектни Пудратчи ва Давлат қабул комиссияси иштирокида қабул қилиб олади.

48. Пудратчи қурилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда 2 (икки) нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

49. Объект Давлат қабул комиссияси томонидан расмий фойдаланишга қабул қилингандан кейин Буюртмачининг мулкига айланади.

#### **XII. Кафолатлар.**

50. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қуланиладиган, мувофиқлик сертификатларига эга бўлган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

51. Объект ва унга кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камида 12 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камида 24 ой этиб белгиланади.

52. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига ўзайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисоби билан бартараф этилади.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар, сифатсиз ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган 15 кун муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш “Қурилиш соҳасида ҳудудий

назорат инспекцияси” томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала буйича Жиззах туманлараро иктисодий судига муурожаат қилишини истисно этмайди.

### **XIII. Шартномани бекор қилиш.**

54. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан қурилиш ишларини бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

55. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

56. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш объекти бир ой муддатда Буюртмачига топширилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

57. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қонунчилигига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

58. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

59. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

Пудратчи томонидан ушбу шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда Буюртмачи томонидан шартномани қонунда белгиланган тартибда бекор қилиб, объектни бошқа Пудратчига бериш бўйича таклиф беради.

### **XIV. Томонларнинг мулкий жавобгарлиги.**

60. Томонлардан бири шартномада мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

- иккинчи томонга етказилган зарарларни тўлайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

61. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдоридан пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

62. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи миқдоридан жарима тўлайди.

63. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг

бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуқсонлар ва камчиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,4 фоизи ва шартномасининг 2-иловасига мувофиқ объектда ҳар ойда бажарилиши лозим бўлган иш хажмларини бажармаган тақдирда, ишлар қийматининг 5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ҳамда бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

64. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи “Қурилиш соҳасида ҳудудий назорат инспекцияси”нинг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши. шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг

20 фоизи миқдорида жарима ундириш ҳуқуқига эга.

65. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон тарафидан қилинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

66. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

#### **КОРРУПСИЯГА ҚАРШИ ШАРТЛАШУВ**

Ушбу шартноманинг ҳар бир томони ўзига нисбатан қўлланиладиган барча, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларидаги Коррупсияга қарши тегишли шартлар ва талабларни тушуниши ҳақида бир-бирини ишонтиради ва уларга амал қилишини кафолатлайди.

Истеъмолчи ушбу шартнома амалда бўлган бутун давр мобайнида у (шунингдек унинг мансабдор шахслари, директори, ходимлари, агентлари ва бошқа вакиллари) Таъминотчи корхонанинг манфаатларида унинг агенти ёки вакили сифатида ҳаракат қилиб, Таъминотчи корхонанинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларининг Коррупсияга қарши тегишли шартлари ва талабларига қатъий риоя этиш мажбуриятини олади.

#### **XV. Низоларни ҳал этиш тартиби.**

67. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда, шунингдек, етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса, улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Жиззах туманлараро иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

#### **XVI. Алоҳида шартлар.**

68. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

69. Пудратчи қурилиш объектга ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, ёрдачи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

70. Объектга ўрнатиладиган жихозлар, бутловчи буюмларнинг давлат стандарти талабларига жавоб бериши ва сифати учун амалдаги қонун доирасида, ўрнатилган тартибда тузилган комиссия иштирокида мониторинг ўрнатилади ва комиссия ҳулосасига кўра бутлашга рухсат берилади.

71. Ёрдамчи пудратчилар, қурилиш материаллари ва конструкцияларини етказиб берувчилар ҳамда ишлаб чиқарувчиларни танлаш бош пудратчи томонидан мазкур бош пудрат

шартнома бўйича мажбуриятлар сақланиб қолиниши шарти билан Буюртмачини хабардор қилган холда мустақил амалга оширилади.

72. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

73. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай келишувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

74. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у холда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

75. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

- Мазкур шартнома вилоят Ғазначилик бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

### XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

#### ПУДРАТЧИ:

«Реал Жиззах» МЧЖ

Адрес: Жиззах вилояти Жиззах шаҳри

Тел./факс: 91 591-27-75х/р:

20208000100449936001

Банк номи: Ипотека Банк

МФО: 00122

ИНН: 303265332

ОКОНХ: 71150

Раҳбар: О.Хамроёв



М.у.

#### БУЮРТМАЧИ:

Мирзачўл МТБ

Адрес: Гагарин ш

Тел./факс: 312-26-90

ш/х\* 401722860082237091100251002

ИНН: 305155863 ОКОНХ:92400

Ўзбекистон республикаси Молия

Вазирлиги ягона

Ғазна ҳисоб варағи

Банк номи: Тошкент ш МБ бош  
бошқармаси


х/р: 23402000300100001010

МФО: 00014 ИНН: 201122919

Раҳбар: Кўконова Ш \_\_\_\_\_

М.у.

Ушбу шартнома 2 (икки) нусхада тузилди ва бир хил юридик кучга эгадир.

	Hujjat <b>elektron raqamli imzo</b> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun <b>QR Code</b> ni skanerlang.	
	Imzolovchi F.I.SH.	SHOIRA KUKANOVA KENJABOYEVNA
	Imzolangan sana	22.12.2022 18:41
	Hujjat kodi	<b>RZ3116170582</b>
	Hulosa kodi	<b>MU5155250775</b>

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY  
XULOSA**

MU5155250775

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Mirzacho'l tumani Maktabgacha ta'lim bo'limga qarashli 3-Son DMTTi oshxonasini joriy tamirlash uchun**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: MIRZACHO'L TUMAN MAKTABGACHA TA'LIM BO'LIMI tomonidan 21.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Mirzacho'l tumani  
yuridik markaz  
bosh yuristkonsulti:**



**N.I.MAMADALIYEV**

22.12.2022



**208528 лот юзасидан шакланган дастлабки  
баённоманинг муҳокамаси натижаси бўйича расмийлаштирилган электрон  
баённомаси**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сонли қарорига асосан дастлабки электрон баённома у расмийлаштирилган кундан бошлаб давлат харидларининг электрон тизимида муҳокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди.

Икки иш куни ичида иштирокчилар томонидан танлаш (тендер) ўтказиш натижалари бўйича эътирозлар тушмаганлиги тўғрисида харид комиссияси аъзолари тегишли қарор қабул қилади.

Муҳокама тугаган сана:

19.12.2022 12:00

Комиссия раиси:

KUKANOVA SHOIRA KENJABOYEVNA



Yuridik shaxs (tadbirkorlik subyektini) davlat ro'yxatidan o'tkazilganligi to'g'risida  
**GUVOHNOMA**

Ushbu bilan Tadbirkorlik subyektlari yagona davlat reyestriga

"REAL JIZZAX " Mas'uliyati cheklangan jamiyat

(Yuridik shaxsning – tadbirkorlik subyektining tashkiliy-huquqiy shakli ko'rsatilgan holdagi to'liq nomi)

"REAL JIZZAX " MChJ

(Yuridik shaxsning qisqartirilgan nomi)

Tashkil etish (qayta tashkil etish, boshqa ro'yxatdan o'tkazish ma'lumotlarini o'zgartirish)

18.03.2015

6225

ro'yxat raqamli yozuv kiritilganligi tasdiqlanadi.

(Sana, oy (so'z bilan), yil):

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami (STIR):

303265332

Tashkiliy-huquqiy  
shakli:

Mas'uliyati cheklangan jamiyat

Joylashgan joyi:

Jizzax viloyati, Jizzax shahri, Bobur mfy Azizbekova ko'chasi 1b uy,

Guvohnoma:

Jizzax viloyati, Jizzax shahri, DAVLAT XIZMATLARI  
MARKAZI

tomonidan  
berilgan

(Ro'yxatdan o'tkazuvchi organning to'liq nomi):

